

ЁШЛАР МЕҲНАТ БОЗОРИ ГЛОБАЛ МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ БИР ҚИСМИ СИФАТИДА

*Асқарова Мұхаббат
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришини илмий асослари ва
муаммолари” илмий тадқиқот маркази
илмий ходими ва мустақил изланувчиси*

Глобаллашув инсон тараққиётининг XXI асирида янги босқични бошлаб берган объектив жараёндир. У фан, техника, технологиянинг юксак даражада ривожланиши, жаҳон хўжалик тизимиға жадал суръатларда кенг ёйилгани билан умумтараққиётга аксарият ҳолатларда ижобий таъсир ўтказиб келмоқда.

Глобаллашув тараққиёт учун катта имкониятлар яратди. Шу билан бирга ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг яхши ва ёмон, зарарли тарафлари бўлгани қаби глобаллашув жараёни ҳам ўзида ижобий ва салбий ҳолатларни акс эттиради. Глобаллашув жараёни билан боғлиқ бўлган хавф – хатар ва таҳдидларни келтириб чиқаради. Глобаллашув жараёнлари кучайиб борган сари бундай таҳдидлар миқёси кенгайиб, уларни башорат қилиш ва бартараф этиш қийинлашиб боради. Бир пайтни ўзида ҳам дунё ҳамжамиятига, ҳам алоҳида олинган мамлакатга таҳдид соладиган янги глобал хавф – хатарлар вужудга келади. Лекин шу ўринда, глобаллашувнинг ёшлар меҳнат бозорига салбий таъсирларига бефарқ бўлмаслик керак. Глобаллашувнинг ижобий таъсирини эътироф этиш билан бирга, унинг салбий томонларини ҳам ўз вақтида кўра билиш, олдини олиш зарур. Вақтида муоммони олдини олишга ҳаракат қилинмаса, аксарият ҳолларда салбий оқибатларнинг кескинлашиб кетиши, охир оқибатда ёшлар орасида ишсизликнинг ва ноқонуний меҳнат миграциясини шаклланишига, шунингдек, одам савдосининг авж олишига олиб келиши мумкин. Чунки, ишсиз қолган ёки етарлича малакага эга бўлмаганлиги сабабли иш ўрнидан маҳрум бўлган ёшларда мураккаб психологик ҳолатлар юзага келади.

Бундан ташқари глобаллашув жараёнлари ёшларнинг маънавиятига ҳам жиддий салбий таъсир ўтказмоқда. Яъни информацион воситаларнинг юксак даражада ривожланиши натижасида интернет, уяли алоқа телефонлари, телекоммуникациялар ва турли электрон ахборот нашрларининг кириб келиши. Бу замонавий техника воситалари орқали кўп ҳолларда ёшларни миллий қадриятлардан узоқлаштириб, умуман миллий маънавиятга зид бўлган, ўзга мамлакатлар, миллатлар эътиқодларини оммалаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Глобаллашувнинг салбий оқибатларини, турли ғаразли, нохолис ахборотлар хуружининг таъсирини мумкин қадар камайтириш учун аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий онгини, ҳуқуқий саводхонлигини, ахлоқий, эстетик маданиятини юксалтириш мақсаддага мувофиқ бўлади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви – бу ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, савдо, молия соҳасининг чуқурлашуви, технологик ахборот алмашуви, инсон ресурсларининг ҳаракатланиши натижасида касб малакаси ва қасбларнинг замонавий турларининг шаклланиши, алоҳида мамлакатлар иқтисодиётининг интеграциялашиш тенденцияси. Жаҳон иқтисодий хўжалик тизимининг глобаллашуви юқори малакали кадрларни тақорор барпо этиш, яъни иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини билими, қобилияти инновацион ривожланиш талабларига жавоб берадиган юқори малакали ёш кадрлар билан таъминлашни талаб этадиган ижтимоий-иктисодий жараён ҳисобланади. Бозорларнинг глобаллашуви эса – бу муайян мамлакатлар бозорлари бир-биридан савдо тўсиқлари, масофалар, вақт ва маданий фарқлар билан ажратилган иқтисодий тизимдан битта глобал бозордан ташкил топадиган тизимга аста-секин ўтишдир [1]. Демак, глобаллашув инновацион ривожланиш борасида мамлакатлар ўртасида мавжуд бўлган фарқларни камайтиришга хизмат қиласиди. Бундан ташқари ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини тараққиётнинг муҳим омилига айланишига ва шунингдек, ички бозорда рақобатнинг кучайишига хизмат қилган ҳолда миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини ошишига ва натижада иқтисодий ўсишга туртки бўлади.

Глобаллашув муаммолари ёритилган адабиётлар, илмий мақолалар, изланишлар билан танишиш шуни кўрсатадики, ушбу жараённинг жаҳон ва миллий даражаларда ёшлар меҳнат бозорларига таъсирини таҳлил қилиш ва ўрганиш ҳозирги даврнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ёшлар меҳнат бозорининг фаоллашуви, иқтисодиёт тармоқларида ёшлар улушининг ортиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омил сифатида глобаллашувнинг салбий оқибатларини юмшатиб, иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади. Лекин айни пайтда ёшларнинг кўпроқ даромад олишга бўлган интилишларининг имкониятлари даражасига мос келмаганлиги уларнинг аксариятида иш ўринларини сақлаб қолишга бўлган иштиёқни пасайишига олиб келади.

Маълумки, юқори даромад олиш имконияти айнан иқтисодиётни юқори малака ва замонавий билимлар талаб этадиган тармоқларида катта бўлиб, уларда мана шундай талабларга жавоб бера оладиган мутахасислар иш жойларига эга бўладилар. Ёш кадрларда эса объектив ва субъектив сабабларга кўра иш тажрибасининг катта эмаслиги, малака даражасининг пастлиги, замонавий билимларнинг етишмаслиги, уларни меҳнат бозорида қийинчиликларига дуч келишларига, айримларини эса ишсизлар қаторидан жой олишларига сабаб бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ишсизлик муаммолари айниқса жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида кескинлашиб кетди. Инқироз жаҳон меҳнат бозорига ҳам кучли таъсир кўрсатди ва бундай ҳолат Ҳалқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) эксперtlари томонидан «глобал меҳнат бозоридаги инқироз» сифатида баҳоланди. Дунё миқёсида иш билан бандлик кўрсаткичлари пасайиб, ишсизлик даражасининг ошиш тенденциялари кучая бошлади.

Европа давлатларида юзага келган иқтисодий вазият туфайли, бу ерда ёшлар ўртасидаги ишсизлик энг долзарб муаммога айланиб қолди. ХМТ экспортлари фикрича, Европада охирги 5 йилда ёшлар ўртасидаги ишсизлик миқёслари бўлган тахликали тус олди.

Европада ҳозир, айниқса, ёшлар ўртасидаги ишсизлик ўта долзарб масала бўлиб турибди. Маълумотларга қараганда, айни пайтда 15 — 29 ёш оралиғидаги 14 миллион нафар аҳоли вакили бекорчиликда кун кечирмоқда. Бу нафақат иқтисодий, балки маънавий таназзулни ҳам авж олдириши мумкин, дейишмоқда мутахассислар. Аслида ёшларга имкони борича иш ўринлари таклиф этилаяпти. Бироқ уларнинг аксарияти ойлик маош камлигини рўкач қилиб ёки турли баҳоналар билан меҳнатдан қочишлоқда. Бу эса жамиятда дангасалик, боқимандалик кайфиятининг авж олишига, ҳаётга енгил-елпи қарааш туйғусининг илдиз отишига сабаб бўляяпти...

Ўзбекистонда бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ ижтимоий ва иқтисодий муаммолар орасида ёшлар ишсизлиги қаттиқ ховотир уйғотмасада, ёшларни меҳнат соҳасига жалб қилиш бугунги кунда марказий ўринда турди. Шу ўринда таъкидлаш керакки мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат бош ислоҳатчи сифатида фаолият олиб борганлиги, меҳнат бозорини тартибга солиш борасида чора-тадбирларни амалга оширилганлиги республикада ишсизлик миқёсларини, шу жумладан ёшлар ўртасидаги ишсизликни кескин тус олиб кетмаслигининг муҳим омили бўлди. Ўзбекистон Республикасида ёшларга катта эътибор қаратилаётганлиги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунида ва бошқа хукуқий хужжатларда ўз аксини топди. Республикада амалга оширилган ижтимоий-иктисодий ислоҳатлар, янги меҳнат муносабатларини шакллантирилганлиги, меҳнат фаолиятининг турли шакллари, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирилганлиги янги иш ўринларини яратилганлиги, касаначилик, ҳунармандчилик каби фаолият турларини, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини, инфратузилма, транспорт ва коммуникацияларини ривожлантирилганлиги мамлакатда ишсизлик миқёсларини ошиб кетишини олдини олишда муҳим омил бўлди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, жаҳон иқтисодий хўжалик тизимининг глобаллашуви ёшларнинг ҳалқаро меҳнат тақсимотида алоҳида ўринга эга бўлишига, ёшлар ўртасида рақобатнинг кучайишига, ёшларнинг ҳалқаро даражада меҳнат фаолиятини олиб боришга бўлган интилишининг ортишига, замонавий ахборот каммуникацион технологиялардан кенг фойдаланишга бўлган интилишнинг янада ортишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

Олимхонов А.О. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириши. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиши учун ёзилган диссертация. Тошкент-2010, 21-бет.